

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING IV СЕССИЯСИ

«КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА» ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИДАН, ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қонун лойиҳасининг иттифоқ қонунидан фарқи фойдадан олинмаган солиқ ҳисобига берилмаган имтиёзлар бўлишида ҳам янқол кўриб турибди.

Масалан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдан олинган ортинча фойда бўйича солиқ тўланадиган фойда 20 фоизга, паст баҳода ишлаб чиқаришдан олинган фойда эса 100 фоизга камайтирилади.

Алоқа хизматининг янги турини жорий қилишдан олинмаган фойдага, муҳим илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун, ёрдам беришга ажратилган фойда, махаллий аҳамиятга эга бўлган ва бошқарув учун ишлаб чиқаришга бўлмаган, илмий-техника ва ўқув материаллари, кам солили халқлар тилидаги адабиётлар ва айлан замиш шахслар учун адабий асарлар нашр этишдан олинган фойдадан 50 фоизга камайтирилади.

Бундан ташқари иттифоқ қонунинда кўзда тутилган бошқа ҳамма энгилликлар ҳам лойиҳада сақлаб қолинган.

ОБОРОТ СОЛИҒИ

Бундай солиқ шу вақтга қадар жумҳурият ва махаллий бюджетнинг асосий даромад манбаи бўлиб, оборотдан олинмаган солиқ ҳисобланади.

Бу даромад манбаи иттифоқ бюджетининг марказлаштирилган даромади ҳисобланади, белгиланган нормада иттифоқ, жумҳурият ва махаллий бюджетлар ўртасида тақсимланган эди. Ўзбекистон ССР қонун лойиҳасида оброт солигини бутунлай жумҳурият бюджетига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

ЧЕТГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ХОМ АШЕ РЕСУРСЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Ҳаммаганга маълумки, шу вақтга қадар хом ашёни, шу жумладан пахта толасини ҳам асосан бошқа жумҳуриятларга сотар эдик. Лекин бу хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларнинг оброт солиғи қўйилгани ҳолда сотиб олар эдик. Оброт солиғи эса маҳсулот ишлаб чиқаришдан жойда қилиб кетарди.

Ана шунинг ҳисобига олиб, ушбу солиқ жорий этилмоқда. Бу солиқ миқдори қатъий белгиланган ва шартнома баҳоси ўртасидаги фарқ натижасида пайдо бўлиб, жумҳурият бюджетига ўтказилади.

ЭКСПОРТ — ИМПОРТ СОЛИҒИ

Бу солиқ чет элдан сотиб олинган ёки чет элга сотилган, чет эл валютаси баҳоси билан ўзимизнинг сўм баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат. Бу жумҳуриятимиз учун янги солиқ туридир.

СОТИШДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган бу солиқнинг тўловчилари бўлиб, хўжалик юритиш формаси ва мулкчилиги шаклидан қатъий назар, хизмат кўрсатилган ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидан ҳамма корхона ва таъшиқотлар ҳисобланади. Бу солиқнинг аниқ миқдори Вазиirlар Маҳкамаси томонидан аниқланади.

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ ҲАҚИ ТЎЛОВ ФОНДИДАН СОЛИҚ

Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фондида олинмаган солиқ колхозлар томонидан тўланади. Солиқ учун ҳар ойга, ҳар бир колхозчига ўртача 150 сўмдан ошмича бўлган меҳнат ҳақи фонди қисмидан олинади. Колхозчиларимизнинг аҳоли ҳисобига олишга ҳолатида иттифоқ қонунини нисбатан бўлиб сўмга ошмиш мўлжаллашган ва бунинг натижасида колхозчиларнинг даромади 50 миллион сўм қулайди.

Хурматли депутатлар! Сизларнинг қўлингизда фуқаролардан олинмаган солиқ тўғрисида қонун лойиҳаси бор. Шунинг учун лойиҳанинг ҳамма моддаларига тўхтаб ўтишингиз ҳолати бўлмаса керак. Фақат лойиҳанинг асосий ҳусусиятларига ва иттифоқ қонунидан фарқларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар. Лойиҳанинг асосий ҳусусиятлари шундан иборатки, у аввало бир жумҳуриятимизда олиб борилаётган

иқтисодий сисбат принциплари асосида тузилган, унда кам даромад оладиган фуқароларни солиқ тўлашдан бутунлай озод қилиш ёки уларга маълум имтиёзлар бериш ва ҳамма фуқаролар учун давлат олдида бир хил солиқ мажбурияти кўзда тутилган. Яъни ҳамма учун тенг иқтисодий шарт-шароитларни яратиш орқали хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг ҳамма шаклларида ривожлантиришга кенг ўйиб бериш кўзда тутилган. Булардан ташқари махаллий шарт-шароитларимизни ҳисобга олиб ва ўтказиладиган солиқ ислохотининг асосий принципларига амал қилиб солиқ олиш объекти сифатида йиллик даромад белги-ланган.

Қонунимиздаги энг асосий масала солиқ солимайдиган даромад миқдори ва умуман даромад солиғи миқдорлари ҳақида. Иттифоқ қонунини бўйича ойига 100 сўмгача иш ҳақи ёки бошқа даромад оладиган фуқаролар солиқ тўламайдилар. Олий Кенгаш комитетларидан мажлисларда маълум қилган ҳолда ҳам айнан шу масала қизғин баҳсга сабаб бўлди.

Ҳаммаганга маълумки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси бўйича жумҳуриятимиз иттифоқимизда энг паст кўрсаткичга эга. Ҳисоб-киتاب ларга қараганда, ҳамма ишчи, хизматчилар ва бошқа табақаларнинг 85 фоизли ойига 300 сўмгача даромад оладилар. Уларнинг яримдан қонунинг даромади эса 200 сўмга ҳам етмайди. Мухомамаалар чоғида солиқ солимайдиган даромад миқдорини 120 ва 150 сўмгача кўтариш масаласи қўйилган эди. Бу масала президентимиз ҳузуринда ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилиб ҳал қилинди ва намоздорлиқ оилаларнинг моддий-шароитини яхшилаш мақсадига солиқ солимайдиган иш ҳақи ёки даромад миқдорини ойига 150 сўм, ёки йилга 1800 сўмгача кўтаришга қарор қилинди. Бу жумҳуриятимиз ишчилари ва хизматчиларининг қарийб уч миллионли солиқ тўлашдан озод бўлади деган маънони билдиради. Бундан ташқари 150 сўмдан 200 сўмгача иш ҳақи оладиган 1,0 миллионга яқин ишчи ва хизматчилар эса камайтирилган миқдорларда солиқ тўлайдилар.

Сизларга нима учун 300 сўмдан 700 сўмгача бўлган даромадларга иттифоқ қонунини нисбатан кўпроқ фоиз солиқ солинади, деган савол турғилиши мумкин. Бу ерда шунинг айтиб ўтиш лозимки, 700 сўмгача даромад оладиган фуқаролардан олинмаган солиқ фойди кўп бўлгани билан унинг сўмдаги миқдори иттифоқ қонунини миқдоридан кўп эмас. Масалан, иттифоқ қонунини асосида 300 сўм даромаддан 34 сўм 20 тиын солиқ солинади, жумҳурият лойиҳасида солиқ миқдори 28 сўмга тенг, 600 сўм даромаддан эса иттифоқ қонунини солиқнинг миқдори 73 сўм 20 тиын бўлса, бизнинг лойиҳасида эса солиқнинг миқдори 71 сўм.

Хурматли депутатлар! Лойиҳа муҳокамаси чоғида ижодий муҳокамимиздан, айниқиб хўжалиқимиздан, айниқиб ёзуви ва шoirларини миздан улар учун солиқ миқдорини камайтириш тўғрисида кўп тақлифлар турши, Миллий маданиятимизни, санъатимизни, ва фанимизни яна ҳам ривожлантириш мақсадига улар учун нисбатан камроқ миқдорда солиқ олиш кўзда тутилмоқда.

Қонунга мувофиқ Совет Иттифоқи Қўрамонлари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ички ишлар органлари сафидан бўлган ногиронлар, боалиқдан ногиронлар, шунингдек кўриш қобилияти бўйича I ва II гуруҳ ногиронлари, Қўрамон оналар солиқ тўлашдан тўлиқ озод бўладилар. Қарамоғида 3 та ва ундан кўп оила аъзолари бўлган шахслар учун I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, умумий касаллик бўйича I ва II гуруҳ ногиронлари, 16 ёшгача иккита боласи бўлган ёлғиз оналар ва бевалар, боалиқдан ногирон бўлиб қолган ва доимий парварниши талаб қиладиган оила аъзоларини тарбияловчи ота-оналар учун 30 фойдан 50 фойгача имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Булардан ташқари қонунимизда яна қуйидаги имти-

ёзлар берилиши кўзда тутилган. ССР қонунига мувофиқ давлат пенсиялари ва ихтиёрий суғурта шартларига биноан тўланадиган пенсияга қўшимчаларини солиққа тортилмайди. Меҳнат жамоаларининг қарорлари бўйича тўланадиган пенсияга қўшимчалар, халқаро ва диний таъшиқотлар берадиган пенсиялар эса умумий асосда солиққа тортилиши иттифоқ қонунинда кўзда тутилган.

Шу муносабат билан жумҳуриятимиз қонун лойиҳасида ҳар қандай пенсия ва унга қўшимчалар солиқдан озод қилиниши қўрсатилган. ССР қонунига мувофиқ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари, шунингдек Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб келган жангчилар солиқ тўлашдан 50 фойз миқдорда озод қилинган. Бизнинг лойиҳамиз бўйича уларга 100 фойз имтиёз бериш кўзда тутилган.

Булардан ташқари студент қўрилиш отрядлари аъзолари ва корхоналар ҳамда ўқув юрлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқароларнинг ҳам ушбу ишларини бажаришдан оладиган даромадларидан тўлайдиган солиқдан озод қилиш кўзда тутилган.

ССР қонунига мувофиқ қарамоғида 3 та ва ундан кўп шахслар бўлган фуқаролардан олинмаган солиқ фақат асосий иш жойи бўйича 30 фойзга камайтирилади. Лойиҳамиз бўйича эса бундай фуқароларга ҳамма даромадларини бўйича имтиёз бериш кўзда тутилган.

Иттифоқ қонунинда белги-ланган имтиёзларнинг асосий қисми лойиҳада ҳам сақлаб қолинган. Умуман давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича бериладиган нафақалар, турли меҳршарфақ ва экологик фондлардан фуқароларга бериладиган нафақалар ва ёрдамнинг бошқа турлари, алиментлар, стипендиялар, 200 сўмгача бўлган совға буюмлар ва мукофотлар, корхоналар томонидан йилга 500 сўмгача миқдорда бериладиган моддий ёрдам пули, миқдоридан қатъий назар табиий офат ва бошқа фақуллодда ҳолатлар сабабли бериладиган моддий ёрдам пуллари ҳам даромад солиғи олинмайди.

Қонунда ҳаётимизда рўй берадиган ҳамма нарсаларни кўрсатиб ўтишимиз лозимки йўқ. Ана шунинг ҳисобига олиб, қонунимизда кўрсатилмаган ҳолларда баъзи бир фуқароларни солиқ тўлашдан озод қилиш ёки солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқи махаллий советларга бериладган.

Уйлаймики, иттифоқ қонунини нисбатан бизнинг лойиҳамиз универсал даромад солиғини яратиш йўлида яна бир қадам олға ташлашти.

Бу кўнидагиларда ўзифодасини топан. Биринчидан, ССР қонунини давлат ва кооператив корхоналарини ҳамда таъшиқотларнинг ишчи-хизматчиларини ва солиқ солиш бўйича уларга тенглаштирилган шахсларни солиққа тортишда устуллик кўзда тутилган. Янқа тартибдаги меҳнат фаолияти ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи бошқа фуқароларнинг даромадларига эса энг юқори миқдорда солиқ олиш кўзда тутилган. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар ва уларда меҳнат қиладиган шахслар ҳақида эса алоҳида кўрсатилмаган ва улардан энг юқори миқдорда солиқ олиниши кўзда тутилган. Бундай тартиб эса уларнинг фаолиятини ўз-ўзидан бўлиб қўйиши турган гап.

Бизнинг лойиҳамизда ҳамма фуқароларни бир хил миқдорда солиққа тортиш кўзда тутилган. Бу эса жумҳуриятимиз олиб бораётган сисбатта мосдир.

Лойиҳанинг иттифоқ қонунини асосий фарқларидан яна бири шундан иборатки, иттифоқ қонунини бўйича ишчи-хизматчилар учун солиқ объекти бўлиб олинмаган даромад хизмат қиладиган Лойиҳамиз бўйича эса солиқ олиш объекти йиллик даромаддир.

Механизаторларининг сентябрь-ноябрь ойларидан маошлари 1000 сўмдан 3000 сўмгача, баъзан эса ундан ҳам кўпни таъшиқ қиладилар. ССР қонунини мувофиқ улардан прогрессив солиқ олиниши лозим. 1500 сўмдан 296 сўм 20 тиын, 2000 сўмдан 546 сўм 20 тиын, 2500 сўмдан 796 сўм 20 тиын, 3000 сўмдан 1046 сўм 20 тиын ва ҳоказо миқдоридан солиқ олиниши лозим.

Нойлардан келатган халқаро қарағанди, корхоналарда хом ашё — материаллар ўз вақтида етказиб берилаётганини сабабли баъзи оилаларда план бажаришмасдан кам маош тўланапти, бошқа оилалар эса дам олишси, ишдан ташқари вақтларда ҳам меҳнат қилишиб, бу оилаларда иш ҳақи кўпайиб кетади, 700 сўмдан ошганда улардан прогрессив шкала бўйича солиқ олиниши керак.

Булардан ташқари кўпгина корхоналар ва таъшиқотлар бухгалтерлари, ишчи ва хизматчилари квартал мукофотларидан солиқ олиш масаласи бўйича муножаат қиладилар. Ҳақиқатан ҳам квартал мукофоти 3 ой ишлаганик учун, 13—14 иш ҳақи эса бутун йил давомида ишлаганик учун берилади. Даромад солиғи эса бу мукофотлар бериладиган иш ҳақи билан қўшиб ҳисобланади. Натияжада сунъий равишда баъзи оилаларда солиқ миқдори кўпайиб кетмоқда.

Қўриқда кўрсатиб ўтилган мисолларни ҳисобга олган ҳолда йиллик даромаддан солиқ олишга ўтиш тақлиф қилинапти. Бу солиқ системаси ислохотини ўтказиш бўйича ваазифаларимизга ҳам хом келаяди.

Энди солиқ олиш механизми тўғрисида. Молия вазирининг томонидан ушбу қонун билан белги-ланмадиган ставкага хом келадиган, ҳар ойда бериладиган маошдан солиқ ўшлаб қолиш учун махсус жадал тузиб чиқилган.

Йил тамом бўлиши билан солиқ суммаси йил давомида олинган ҳақиний даромаддан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва тегишли қайта ҳисоб-киتاب қилинади.

Бундай тартиб ҳисоб-ки-тоб ҳодимларини олтуска суммаларидан, касаллик ва рақаси бўйича тўланадиган суммалардан солиқ ҳисоб-лаш каби мураккаб жараини ёлғиздан ҳам озод қиладилар.

Бизнинг лойиҳамизда корхоналар ва таъшиқотлар асосий иш жойларидан ташқари ўридошлик йўли билан ишлаганик учун тўланадиган ҳамма суммалар ҳақида даромад олувчининг асосий иш жойига хабар қилишга мажбурдилар. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ маълум бўлдики, кўпгина фуқаролар ўзларининг асосий иш жойлари ҳақида тўғри маълумот бермайдилар. Бу эса ҳисоб-ки-тоб учун қийинчилик туғдирапти. Шунинг учун лойиҳанинг махсус бандида шунга қўриқиб қўйилдики, ўридошлик йўли бўйича ишга кириш вақтида фуқаролар ўзларининг асосий иш жойлари ҳақида справқа тақдим қилишга мажбурдилар.

Қонун лойиҳасида солиқ идоралари, корхоналари, таъшиқотлар ва фуқароларнинг бурчлари, мажбуриятлари ва жаавобгарликларини тўғрисида батафсил кўрсатилган. Маърузамизнинг сўнггида яна шунинг қайд қилишча маълумки, бу лойиҳамизда солиқ ислохотининг биринчи дара-ри учун мўлжалланган. Қонуннинг кучга киритилиши ҳақидаги Олий Кенгаш қарорини Вазиirlар Маҳкамаси 1993 йилнинг I январидан ислохотини иккинчи дара-ри учун мос келадиган солиқ олиш тартибин ишлаб чиқиш топирилган. Уйлай-манки, ана шу вақтгача ҳамма учун бир хил бўлган, фақат фуқароларнинг ҳақиний олинадиган универсал қонун лойиҳасини ишлаб чиқоламиз ва бунда ҳозир қабул қиладиган қонунимиз асосий роль ўйнайди.

Хурматли депутат ўртоқ-лар! Сизларнинг муҳокамаси-нига қўйилган ушбу иккита қонунимиз лойиҳасини ҳусусиятлари ана шунлардан иборат. Ушбу қонунларни сизларга тақдим қилиш билан сиз муҳтарам депутатлар уларни ҳар тарафлама кўриб чиқиб тасдиқлашларинизга ишонч билдира-миз.

Депутат ўртоқлари! 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши-нинг иккинчи сессиясида «Ер тўғрисида»ги Ўзбеки-стон ССР Қонун қабул қи-линган эди. Бу қонуннинг 16-моддаси ерға ҳақ тўла-ши жорий этишни назарда тутадди.

Ер солиғини жорий этиш Ўзбекистон ССР Олий Кенга-шининг учинчи сессиясида 1990 йил 20 октябрда қа-бул қилинган «Ўзбекистон ССР бюджетини шаклланти-ришининг асосий параметрла-ри тўғрисида»ги декларация-да ҳам кўзда тутилган.

Молиячилар, иқтисодчи-лар, аграрчилар, ер тузувчи-лар, вазирилк ва маҳкамалар-нинг раҳбарларидан, бир қанча илмий-теқшириш таъшиқотлари ва ўқув юр-ларининг вакилларидан иборат муҳокамасларнинг кат-та гуруҳи ярим йил давоми-да «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Бу лойиҳа вазирилклар, идораларда ҳар томонлама кўриб чиқилиб, сўнгра рес-публика Президенти ҳузурин-да Вазиirlар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашинга тақдим этилди. У Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг план ва бюджет-молия масалалари ҳамда аграр масалалар ва сув ҳўжалиги қўмиталаридан ташқари мўлжаллаш қилинди. Иккинчи муножа-раларда бир қанча қиммат-ли тақлифлар киритилди. Қўмиталар ишнинг натижа-сида яратилган қонун лойи-ҳаси бутун сизнинг муҳома-мангизга қўйилмоқда.

Шунинг эслатиб ўтмоқчи-манки, шу вақтга қадар ер-дан фойдаланганлик учун фа-қат аҳоли ҳақ тўлар эди, ҳоланки «Ер солиғи»га қи-яли қонун кучга киритил-ган бўлиб, колхозлар, совхоз-лар, санаот ва бошқа кор-хоналар, муассасалар, таъши-қотлар, шунингдек фуқаро-лар ҳақ тўлашади.

Ер солиғини жорий этиш-дан мақсад нима, деган сав-ол турғиладди.

Шубҳасиз, ер солиғи ер-ларнинг ҳамма турларидан фойдаланиш самарадорли-гини ошириш имконини бе-ради. Ҳеч кимга сир эмаски, кўпгина хўжалик раҳбарлари, шунингдек фуқаролар ҳам ерға ҳўжасизларга муноса-батда бўлмоқдалар, унинг унумдорлигини ошириш чо-ра-ларини кўрмайди, ҳар ге-ларнинг ерини мумкин қадар кўп ҳосил беришга эриш-майдилар.

Биз кўпичра ер — табиат инчюми, у бизга бепул бе-риладиган деими. Лекин ҳам-манлиг шунинг яқини билами-зики, ерларни ишта солиш,

уларға сув чиқариш учун, замонавий сув ҳўжалиги сис-тема-лари билан таъминлаш учун давлат ҳар йили мил-лион-миллион сўм сарфлай-ди.

Шу билан бирга бошқа бир нарсани ҳам биламиз. Ҳўжакчиларда ўн минглаб ге-ктар унумдор ерлардан турли баҳоналар билан фой-даланилмайди ва бунинг учун ҳеч ким жавабгар бўлмайди.

Ердан текин фойдаланиш кўпгина ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг масъ-у-лият ҳисси пайсаиб кетиши-га олиб келди. Фақат суғор-иладиган ерларгагина эмас, балки яйловларга, личазор-лар, ўрманларга нисбатан ҳам ана шундай муносабатда бўлимоқда.

Санаот, қўрилиш таъши-қотлари ерға қандай қараёт-ганини бир кўринг. Улар ку-рилиш учун ҳеч бир асосиз катта-катта ер майдонларини олиб, йиллар давомида иш бошламайдиган, ерлар эса бўш қолиб кетадиган мисол-ларни кўплаб келтириш мум-кин. Ерни ишдан чиқариш, ер балансида кичириб таш-лаш ҳоллари ҳам оз эмас. Шу сабабли бизнинг қўми-таримиз ер учун ҳақ тўлаш, ер солиғи тўлаш ҳўжалик раҳбарлари, барча фуқаро-ларга ерға авайлаб муноса-батда бўлиш, ундан оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжа-ли маҳсулотларини етишти-ришни кўпайтириш ҳўссаси-ни тарбиялашга умид қил-дилар.

Яна шу нарса ҳам жўда муҳимдирки, ер солиғининг жорий этилиши махаллий бюджетларни мустаҳкам-лашга ёрдам беради. У ма-ҳаллий қонимат идоралари ерни асрашга, ернинг мелло-ратив ҳолатини яхшилашга, ер тузулишига ва, турган гап-ки, қишлоқнинг ижтимоий тараққийига кўпроқ эъти-бор беришлари учун шартот яратаяди. Яъни ердан фойда-ланиш учун олинмадиган со-лиқ яна қишлоқ ҳўжалиги-нинг ахтирлари ва аҳоли-нинг ижтимоий талабларини қондириш учун қайтариб бе-рилади.

Қонун лойиҳасини қисқа-ча таърифлаб беришга рухсат этайсиз. «Ер солиғи тўғри-сида»ги Ўзбекистон ССР қо-нун лойиҳаси уч бўлимадан иборат бўлиб, ўн бир модда-нинг ўз ичига олади. Ҳамма бўлимлар ва моддалар ҳа-қида бирма-бир тўхталиб ўти-шга зарурат бўлмаса керак, чунки қонун лойиҳаси халқ депутатлари олинмадан тар-қатилган ва у сизларда бор.

Асосий моддалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман. Биринчидан, шунинг тақид-ламоқчиманки, ер солиғи аҳоли, давлат корхоналари ва таъшиқотлари, колхозлар, совхозлар учун табақлашти-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРО КУРОРИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ ВА УРИНБОСАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социал-стик Республикаси Олий Кенгаши қарор қиладди: Норгулаев Нормеяли Норгулаевич — Ўзбекистон ССР Прокурорининг бирин-чи уринбосари; Донов Владимир Василье-вич — Ўзбекистон ССР Прокурорининг уринбосари; Мирзаев Тоҳир Қамбаро-вич — Ўзбекистон ССР Про-курорининг уринбосари; Раҳимов Фаҳри Хайдаро-вич — Ўзбекистон ССР Про-курорининг уринбосари этиб тайинлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. А. ХОНАЗАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ЎРМОН КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИВ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қиладди: Ўртоқ Абдушукур Абдуха-лилович Хоназаров Ўзбеки-стон ССР давлат ўрмон коми-тетининг раиси этиб тасдиқ-лансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Т. ШОЕКУВОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИВ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қиладди: Ўртоқ Тўлқин Шоеқубов Ўзбекистон ССР Геология ва минерал ресурслар давлат комитетининг раиси этиб тасдиқлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Ш. ШОЕКУВОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИВ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қиладди: Ўртоқ Шўқрат Шоеқубов Ўзбекистон ССР Геология ва минерал ресурслар давлат комитетининг раиси этиб тасдиқлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. ИБРОХИМОВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎРТОҚ М. М. МАЛКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ВАЗИ ФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қиладди: Ўртоқ Муҳаммадобир Ма-жидович Малков ўз розили-гига кўра бошқа ишга ўтган-лиги муносабати билан Ўз-бекистон ССР Олий судининг раиси вазифасидан озод этил-син.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Муस्ताқиллик тўғрисида-ги декларацияга амал қи-либ, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қ

Тошкент ҳақиқати

социал масалалар бўлими

4 ҲОЛДА ХАТ

Жамият ва қонун

Икки минг йилдан ортироқ тарихга эга шахри азим Тошкент қадимдан хунарманчилик марказларидан бўлиб келган. Шу билан бирга шахримиз ўзидан чиққан айтилган билан ҳам оламга долзарб ётган. Ҳаёт тиббиёт ва физик илми намояндаларнинг Тошкент ҳамда унинг атрофидан еттиш чўққинликларининг ўзбек шахримиз аҳли-аждодларимиз қадимдан қозғалган маърифатли кишилар бўлганлигига шубҳа қолдирмайди.

Бироқ бугунги Тошкент аҳли ўз шакарларидан тубдан фарқ қилмоқда. Айниқса, жиноятчиликнинг жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлиги кишини ташвишлантиради. Бу борада энг ташвишлиси балогатга етмаганлар ўртасида жиноят қилиш одат тусига кириб бораётганлиги алоҳида қайд этиб, айрим рақамлар устида тўхталишни жоиз деб билдик. Чунки ўша балогатга етмаганлар рўйхатига ўзининг эки бирор танишимининг умуман юртдошларимизнинг фарқиди эъланмоқда. Бу аянчли ҳамда дахшатли ҳолинг олдин олиш чораларини тезда қўрмас эканмиз, пушаймонимизнинг чеки бўлмади қилиши аниқ. Қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: 1988 йилда воғга етмаганлар томонидан 1086 та, 1989 йилда 1285 та, 1990 йилнинг 11 ой ичиде эса 1432 та жиноят содир этилган. Шундан 396 таси 14—15 ёшлар, 1136 таси 16—17 ёшлар томонидан содир этилган. Шу жумладан, фуқаролар шахсий мулкнинг ўғирлаш 618 та, давлат мулкнинг ўғирлаш 148 та, талончилик 230 та деб қайд этилган. 50 та қорчилик (йўл тўсарлик), 19 та ноमुства тажовуз қилишдек оғир жиноятлар воғга етмаганлар томонидан содир бўлган. Бу ёшдаги жиноятчиларнинг етти юзу олти таси мактаб ўқувчилари бўлиб, 1432 та жиноятнинг 3,1 фоизи қотиллик эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Воғга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 1989 йилдаги нисбатан бу йил фақатгина С. Раҳимов, Ҳамза ва А. Икромов ноҳияларда намайган. Бошқа ноҳияларда эса биттадан 89 тагача қўлайган. Ҳўш, бу салбий ҳолатнинг сабаблари қарда? Нега ёшлар жиноятга қўл урмоқдалар? Бу саволларга жавоб бериш учун бир қанча ижтимоий (гоҳо сиёсий) сабабларни қаторасига санаб ташлаш мумкин. Айримлар миришабларни, кимларди тақчиллигини, баъзилар тўқчиликка шўхликнинг сабаб қи-

либ қўрсатадилар. Бу гапларда ҳам жон бор. Аммо меминча, сабабини энг аввало оладан, мактабдан излаш лозим. Негаки, 80—90 фоиз ота-она эртдан-кечгача иш билан банд. Вола ўзига хон, ўзига бек. Мактабда эса ўқувчилар билан асосан аёллар иш олиб борадилар. (Эриак муаллимлар жуда камчилиги ташкил қилади). Аёл кишининг ўқувчидан бошқа ташвишлари ҳам анчагина. Қолаверса, унинг асосий кучи тилида! Мен бу билан аёлларни камситмоқчи эмасман, акинча юмшоққунгил эканликларини татқиқлаб ўтмоқчиман, холос. Болалар ҳам айнан шу нарсадан фойдаланадилар. Ота-оналар мажлисида ҳам асосан яхши қўйиладиган ўқувчиларнинг ота-оналари ташриф буюрадилар. Тарбияси оғирроқ болаларнинг уйдан кам-

СЕН КУЙМАСАНГ, МЕН КУЙМАСАМ...

дан-кам бирор киши келади. Бу эса масалани янада чигаллаштирмоқда. Балогатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсишига яна бир сабаб, беҳаё видеофильмларнинг қўлайинишидир. Ҳўзингиз мантқан ўйлаб, Ҳатто онали, болали, оқ-қорани таниган ўрта ёш одам ҳам бошидан охирига-ча сексуал жараёни акс эттирувчи фильмни кўргач, (ўша фильм давомидаёқ) ҳиссиётга берилиб кетиши аниқ. Ҳўш, 14—17 ёшли ўсмирнинг саргуласт фильдан сўнг «Ҳақрамолик» кўрсатиши истаб қолмаслигига эки сексуал фильм тасвирде олган таассуротини бирор аёл (ёки қиз) бияан «Уртоқлаш» истагиди юрмаслигига ним қаролта бера олади?! Яна бир сабаб борки, буни гоҳо билмаганликка оламиз. Расмий маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри аҳолиси 1959—1989 й. й. 1 миллион 400 минг 600 кишига қўлайган. Бу кўлайин асосан четдан келиш ҳисобига бўлган. (Ҳар йили келиб-кетиётган 2—4 минг дайди, фоҳишалар юқоридаги ҳисобга кирмайди). Улар орасида шадий жиноятчилар анчагина.

Шундай қонунларимиз борки, гоҳо жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлиб қолади. Шулардан бири ёлғиз оналар ҳуқуқини белгиловчи, муҳофаза қилувчи, уларга имтиёзлар берувчи қонундир. Аввало «ёлғиз она» иборасини қўлайининг ўзбек аёлларимиз шаънига ҳақоратдир. Аммо ёлғиз оналар тўғрисида гаумўрлик билан бирга жиноятчилик ҳам қўлайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат!

Виз Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонаси ёшлардан берида шундай воқеанинг тўғви бўлганми. Ётоқхонада яшовчи 111 нафар одамнинг 36 нафари ёлғиз она «сувонига» эга экан. Ҳар бири ўртача иккидан фарзанди. Демак, 72 нафар отасиз бола ўспти. Шаҳримизда бундай ётоқхоналар юзлаб мавжуд. Саноат корхоналаридан бири қўйида жолайшган бир мактаб шариоти билан қизлик. Ёлғиз оналар тарбиясини олган бола ўқийдиган синф интизом, ўзлаштириш жиҳатидан бошқа синфлардан анча орада. 13—14 ёшли қизлар орасида ноумидан ажралганлари, 16—17 ёшлардан ичда бола олдириб улгурганлари мавжуд. 8-

ЛУҚМА ҲАЗАЛКЕНТЛИКЛАРГА «РАҲМАТ»

ХИЗМАТ юзасидан Ҳазалкентга йўл олдим. Шу кунги ҳаво айниқ, ёмғир аралаш қор ёғди. «Ҳазалкент—Чирчиқ» автобусида одам унчалик кўп эмас. Автобуснинг бир маромда елиб бориши кишини гўё аллаётгандек. Узоққа олтанга-

нимда йўлда ўқиб кетиш учун рўзнома ёки бирорта китоб олиш одати бор эди. Шу кунини унутибман. Зеркимаслик учун атрофини томоша қилиб кетдик. Ҳазалкентга яқинлашганда, йўлнинг ёмонлиги тўғрисида автобуснинг юрши мароми

бузилди. Йўловчилар ҳам бе-завталеана бошланди. Ниҳоят, автостанцияга етиб келдик. Автобусдан тушиб, ноҳия рўзномаси редакцияси томон йўл олдим. Катта йўл бўйидаги йўлакдан ҳар бир ўтган машина лой аралаш су сачратиб кетишидан чўчиб борялман. Бошқа йўловчилар ҳам худди шундай. Айримлар эса кийим-бошларига сачраган лойни ачкақилиб тазалашмоқда.

Шаҳар чўқирисидаги Ленин, Толстой, Фрунзе кўчалари, Киров кўчасининг охири қисми,

МУШТАРИИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

НОНГА ТҮЙИБ ҚОЛДИКМИ?!

Чин фазллат топди деҳдон нон билан, Дилда шодлик, белда дармон нон билан, Сийлашаркан барча меҳмон нон билан, Аҳли нисон сурди даврон нон билан. (Пулат МҲМИН).

Қайсида рўзномада қуйидаги маълумотни ўқиганман:

«Ҳар йили мамлакатимиз бўйича тахминан 2 миллион 200 минг тонна суви қочан ва қаттиқ нонлар тўқилиб қолар экан. Ушбу миқдорнинг 500 минг тоннасини одамлар ўзлари истеъмол этишиб, 1 миллион 500 минг тоннасини ҳайвонларга едир-ришлари аниқланган. Батзи ҳолларда жониворларга янги, суви қочмаган нонлар едирилади.»

Бир кунги елкамда фотоаппарат, шаҳардаги маъмурий бинолардан бирига кириб, дераза ташқариси тоқасида қийдириб қолдириб кетган ушбу соғмага қўзим тушди. Бейхитёр расмага олдим...

Мен оғир кунларни кўрганман, бир бурда нонга зор бўлганман. Шунинг учун, улғур неъматни орқали қарамай, исроф қилаётган кишилардан ҳафсидан, уларни ноннинг увули тутишдан қўрқаман.

Визнинг ёшимиздаги кишиларнинг болалиги қийинчилик билан ўтган. Ойим бир парча бўзи икки буклага тикиб берган халтага китоб-дафтарларни солиб, мактабга қатнаган. Оёғимда йиртиқ ботинка, шиммининг тизаси йиртиқ. Оёғларим соғуқдан «шолғом» чиқиб юрардим. Бир кун дилдираб, қорним ўлғурдек очиб, уйга келдим. Қўти қопқоғини очдим. Нон йўқ! Қўти тағига солинган газета юзасида нон ушоқлари бор экан. Шунча ошай дейман, қўлга илинмайди. Шунда бармоқларимни қўшлаб, ушоқларга босдим, уларни яладим. Нафсим бир қадар тинчиди.

Уруш пайти. Қийинчилик.

«Заборний» деган қороз билан нон беришарди. Бир кунги икки буханка нон олиб, шаҳардаги «Узариш» кўчаси орқали «Катта бог» маҳаллаимизга кетаётган эдим, ортдан бир кишининг келадиганига қўзим тушди. Қўрдим. Нонни маҳкам бағрига босиб, қочдим. У қўвлди. Етиб олиб, нонларнинг тортиб олиб, қизилганча жўнаб қолди. Ўша кунги хўп йиғилганман.

Шундай кунларнинг бирида мактабдан келсам, ойим тўрт дона қарошча, бир дона қизил саби, бир дона пизани йирик-йирик тўғраб, ёғисиз, қўшқисиз шўрва пишириб қўйибдилар. Шўрвани ичиб бўлгач, ойим «Зангиота» маҳалласида яшайдиган тоғамдан хабар олиб келишимни айтдилар. Бордим. Боламан-да, ҳамма нарсасга қизикман. Шу маҳалладаги пастакина паҳса уйли ҳовлининг деворидан мурададим. Ҳовлида бир кампир жўни қирилган қўй терисини майдалаб, қозондаги сува ташлапти. Уйга келиб, ойимга айтдим.

— Йўқчили-да, ўғлим, — деди ойим. — Ўша маҳаллада, ўзига тўқ бирор киши қўй сўйиб, терисини берган бўлса керак. Боқинг теридан болаларига шўрва пишираётгандир...

«Юнусобод» даҳасидидаги кўп қаватли уйлارнинг бирида яшайдиган дўстимни қўйма бораётиб, уни қўлида пақир, чиқиндилар орасидан нон парчаларини териб юрганни кўрдим.

— Бу одамларга ҳайронсан, — деди у қўзониб. — Нонни ахлатга ташлашадими?! Ҳар кун уч-тўрт пақир нон териб кетаман. Билмадим, нонга тўйиб қолдикми, дейман...

Дўстимнинг гаплари яна ёлғимга ўша оғир йилларни солди, оёғим остида ётган нон бурдасини олиб, қўзларимга суртдим...

Дилмурод САИДОВ.

«Юнусобод» даҳасидидаги кўп қаватли уйлارнинг бирида яшайдиган дўстимни қўйма бораётиб, уни қўлида пақир, чиқиндилар орасидан нон парчаларини териб юрганни кўрдим.

— Бу одамларга ҳайронсан, — деди у қўзониб. — Нонни ахлатга ташлашадими?! Ҳар кун уч-тўрт пақир нон териб кетаман. Билмадим, нонга тўйиб қолдикми, дейман...

Дўстимнинг гаплари яна ёлғимга ўша оғир йилларни солди, оёғим остида ётган нон бурдасини олиб, қўзларимга суртдим...

Маҳкам ҲАКИМОВ, меҳнат фаҳрийси.



ФОТОАЙНОМА

КУЛБАМИЗГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ...

В. И. Ленин номидаги Халқлар Дўстлиги саройига ҳар кунги узон-қиндан меҳмонлар келиб туришлари, турли концерт ва йиғилишлар ўтказилади. Лекин ҳеч ким улкан саройнинг орқасидаги хароба қулбаларга қўз ташламайди.

Яқинда мен фотоаппаратим билан «Большевик» кўчасидаги уйлари айландим. Операторлар ниқибдан аввалги ҳаётини лентига тўлаштиришчи бўлса, шу ерга келишаверсин. «Ийк» саройига ёғоч тираб қўйилган

ярим вайрона инкорлар, ахлат қўюлари. Бирорта қўлайлик йўқ. Мен 56-йилдан 72-уйгача бўлган хонадонларни кўздан кечириб, ҳайратга тушибди: томи босиб қолган уйлارнинг атрофи сим тиканлар билан ўраб қўйилди. Газ қаёқда, печкаларнинг муриларидан бурқисиб қора тутиқ қўтарилди. Кўп болали ониларнинг аззолари ноиллож бирояларнинг уйнади жарарда туршибди.

Шу кўчадаги хароба уйларида ишовчи Абдураҳмо-

Жамиятимиз иллатлари

ҲУФЁНА САВДО

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВАЗ ДЕПОСИНING ПАССАЖИР ПОЕЗДЛАРИГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ПУНКТИДА ЯШИРИН ЧАЙҚОВЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Пункт ишчилари «Тошкент—Москва», «Тошкент—Иркутск», «Андижон—Москва», «Жалолатов—Фрунзе» пассажир поездларига техника хизмати кўрсатишди, яъни турли хил таъмирлаш ишларини бажардилар. Қарангки, азаматлар яширин равишда арақ ва винолар сотиб, ичкиликка ҳумор бўлган кишиларнинг ганиган бошларини ҳам «таъмирлаб» туришаркан.

Тошкент транспорт милициясининг БХСС бўлимига бу ҳақда хабар келиши билан тезкор гуруҳ тўзилиб, ишга киришилди. Унга Абдуҳамид Каримов, Ҳўсан Шодиёв ҳамда милиция катта лейтенанти Сергей Чередиенколар киритилди. Улар дастлаб пунктида хизмат қилаётган бригадаларнинг ишларини зимдан кузатишди. Аввалига берилган хабар ёлгондек, бу ерда ҳеч қандай шубҳали хатти-ҳаракатлар содир бўлмаётгандек туюлди. Лекин бир кунги кузатувчилар кеч соат ўнларда пункт биносига кинидир кириб кетганини сезиб қолдилар. Ҳалиги киши кўп ўтмай орқасига қайтди. Негадир атрофига аланглаб қўйди.

БХСС ходимлари ярим йўлда уни тўхтатишди. Ҳўсин Вахитов Ҳақимов деб таништирган харидорнинг ёлғиздан уч пиша «Насорат» чиқди. Кейинчалик маълум бўлишча, Вахитов яшириннинг ҳар бири 7 сўмдан шу пункт ишчисин Эрон Бердикўловдан сотиб олган экан.

Пунктда текширув ўтказилди. Умар Тошматов бошлиқ бригаданинг барча аъзолари яширин равишда арақ



О. ОТАЖОНОВ, Тошкент транспорт милициясининг БХСС бўлимининг бошлиғи, милиция капитани.

М. НУРИДДИНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

СУРАТЛАРДА: қўшимча «чой-чака» ишлаб олмақчи бўлган Вера Кузнецова. Арақ-вино сотиб, қўлга тушган Анвар Зокиров. Чайқовчилардан тортиб олинган ўлғимлар БХСС ходимлари Х. Шодиёв, А. Каримовлар ўлғимларни очиб савдога қўйиб сотиш учун расмийлаштиришмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ суратига олган.

МУҲАРИРИЯТГА ХАТ

ГАЗ ЙЎЛИГА КЎЗ ТЕКИБ...

ШИКОЯТ эъзини ёқтирмайман. Бироқ мазкур бўлдим. Пискент шаҳрида «Токзор» маҳалласидан бошқа барча маҳаллалар табиғий газ билан таъминланган. Биз эса балонли газдан фойдаланамиз. Шунингча ҳам шўр. Газнинг баллонли бўлса ҳам бор экан-ку, деб уйлётгандайси! Ҳамма бало шунданки, баллонли газ ўз вақтида келтирилмайди. Кўнра-куте ноҳия газ билан таъминлаш идорасига боришга мажбур бўламиз. Қўпчи, газ баллонли хонадонларга таъминлангани қайд этилган ки-

Қўлига бир сўм ўрнига уч сўм берсам, шу кунмиқ келтириб беради.

Ноҳия газлештириш идораси бошлиғи Кулибоевга икки марта мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмади.

Энди охириги умидим сизлардан.

Уктамон АҲМАДЖОНОВ, Пискент.

ТАХРИРИЯТДАН: қайта кўриш даври одамлар турмуш даражасини янада яхшилашни тақозо этмоқда. Энди қуруқ гаплардан амалий ишга ўтишнинг вақти келди. Қарангки, ин-тробдаги маҳаллалар газлештирилган ҳолда У. Аҳмаджонов яшайдиган маҳалла газлештирилмайди. Эҳтимол, бунинг баъзи сабаблари бордир! Лекин, нима бўлганда ҳам табиғий газ келтирилганча аҳолини баллонли газ билан узлашмас тўқимачилик таъминлаб туриш керак-ку! Бу оддий ҳақиқатни ноҳия газлештириш идораси раҳбарлари неҳотки билишмас!

